ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 3 | 2021
ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00508

ЁШ ЎҚИТУВЧИЛАРГА КОМПЛАЕНСНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ПСИХОЛОГИК МЕХАНИЗМЛАРИ

Наргиза Дилмуратовна Қосимова
Андижон Давлат Тиббиёт институти ўқитувчиси
(психология фанлари номзоди)

АННОТАЦИЯ

Мақолада ёш ўқитувчиларга комплаенсни шакллантиришда улар билан ишлашнинг педагогик-психологик масалалари, россия олимларининг педагогик фаолиятларига ои қарашлари, хамда Ўзбекистонда таълим тизимида комплаенсни ривожлантиришга оид методик тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: комплаенс, инновацион йўналиш, таълим, тарбия,тажриба мехнизмлари, ўқитувчи фаолияти, устоз-шогирд тизими.

PSYCHOLOGICAL MECHANISMS OF COMPLENEMENT FOR YOUNG TEACHERS

Nargiza Dilmuratovna Kosimova
Teacher of Andijan State Medical Institute
(PhD in Psychology)

ABSTRACT

The article provides young teachers with pedagogical and psychological issues of working with them in the formation of compliance, views on the pedagogical activities of Russian scientists, as well as methodological recommendations for the development of compliance in the education system in Uzbekistan.

Keywords: compliance, innovative direction, education, training, experimental mechanisms, teacher activity, teacher-student system.

КИРИШ

Ўзьекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги Фармони билан тасдиқланган “Халқ таълими тизимини 2030- йилгача ривожлантириш Концепцияси” да узлуксиз таълим тизимини сифат жиҳатидан янги босқчига кўтариш, жаҳон таълим рейтингларида мамлакатимизни юқори поғоналарга олиб чиқиш каби бир қатор устувор вазифалар белгилаб берилган.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00508

Хусусан, узлуксиз таълим чуқур, ҳар тарафлама асосли таълим-тарбия беришда, мутахассис кадрлар тайёрлашнинг турли шакл, услуб, восита, усул ва йўналишларининг мукаммал уйғунлигига боҳлиқдир. Таълимнинг барча босқичларига оид умумий педагогик, психологик ва дидактик талаблар ёш ўқитувчининг дастурий билим, тасаввур ва кўникмалари асосида мустақил ишлаш самарадорлигини такомиллаштириш, илмий фикрлашга, касбига қизиқишини ошириш, касбий билимларини чуқурлаштириш, назарий ва амалий машғулот мобайнида уларнинг фаоллигини оширишдан иборатдир.

Таълимнинг бугунги вазифаси ёшларни кун сайин такомиллашиб бораётган ахборот-таълим муҳити шароитида мустақил равишда фаолият кўрсата олишга, ахборот оқимидан оқилона фойдаланишга ўргатиш самарадорлигига эришишдир. Бунинг учун, уларга узлуксиз равишда мустақил ишлаш имконияти ва шароитини яратиб бериш зарур, фан, таррақиёт ва таълим ривожланиши энг аввалло унинг тажрибали устозларига боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш вақти келди. Ёш ўқитувчиларнинг билимга бўлган эҳтиёжлари ва қобилиятларини шакллантириш ҳамда ривожлантиришга йўналтирилган бўлиши учун тажрибали устоз-мураббийлар фаолиятининг масъулиятини ошириш муҳим аҳамиятга эгадир.

Ҳозирги даврда содир бўлаётган инновацион жараёнларда таълим тизими олдидаги муаммоларни хал этиш, янги ахборотни ўзлаштирадиган ва ўзлаштирган билимларини ўзлари томонидан баҳолашга қодир бўлган, зарур қарорлар қабул қилинадиган, мустақил ва эркин фикрлайдиган кадрлар керак.

Айниқса, олий таълим тизимида олиб борилаётган илмий, методик фаолиятни асосий мақсади ёшларни камол топтириш ва келажакда жамиятда, хаётда ўзининг шахсий позициясига эга бўлишни тақозо этмокда. Мақоланинг мазмуни хам айнан таълимдаги инновацион йўналишга қаратилган ёш ўқитувчиларга “комплаенс”ни шакллантириш хамда амалиётга татбиқ этиш хусусида фикр юритилади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

“Комплаенс” сўзи (ингл. сўздан “complianse”- мувофиқлик, розилик) маъносини билдиради. Ушбу терминдан биринчи бўлиб Ғарб мамлакатларида ҳуқуқ -тартибот органлари ходимлари фойдаланишган. Мувофиқлик хатларини бошқаришга имкон берувчи ички назорат тизими, компаниялар ва топ менежерларни жавобгарликка тортиш хавфи, давлат томонидан белгиланган талаблар ва мажбуриятларнинг бажарилмаслигига олиб келиши мумкин бўлган

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00508

ходисаларни тизимли равишда олдиндан мониторингини юритиш ишлари ташкил этилган. Комлаенс – орқали ҳуқуқ тартибот органларига келган хатларни муҳимлигини ҳисобга олиб, халқаро амалиётга мувофиқ тизимини, ички назоратни ва хатларни бошқариш тизимини яратиш учун ишлаб чиқилган методологиядан фойдаланиш кераклиги ҳисобга олинган. Бу жараён барқарор ва барқарор ривожланиш учун зарур бўлган барча элементларни бошқариш имконини беради.

Россияда бу атама йирик хорижий компаниялар келиши билан пайдо бўлди, бу каби функционал фаолиятининг ажралмас самарали қисмига айланди. Унинг асосий мақсади –касбий ва ахлоқий меъёрларнинг бузилишидан келиб чиқадиган ҳуқуқий ва турли хатарларни минималлаштириш. Кенг маънода, бу атама бозор иштирокчилари билан боғлиқ қонун, меъёрлар, ўзини-ўзи бошқариш қоидаларига риоя қилмаслик натижасида келиб чиқадиган ҳуқуқий ёки тартибга солувчи санкциялар, моддий –молиявий инқорозларга учраш ёки хурмат -эътиборни йўқотиш хавфини англатиши хақида маълумотлар берилган.

Мақоланинг мазмунидан келиб чиқиб, бизнинг таълим жараёнимизда, ёш ўқитувчиларда комплаенсни шакллантиришнинг долзарблиги шундаки, бугунги кунда таълим сохасида ҳам комплаенс моделидан фойдаланиш таълим сифатини оширишга хизмат қилиши мумкин.

2020 йил 23 сентябрь куни Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди. Қонуннинг 9-моддаси Умумий ўрта ва ўрта махсус таълим хақида белгиланган бўлиб, унда умумий ўрта ва ўрта махсус таълим умумтаълим ўқув дастурларини, зарур билим, малака ҳамда кўникмаларини ўзлаштиришга қаратилган босқчилари белгилаб берилган. Хусусан, ўрта таълим олувчилар томонидан зарур билим, малака ва кўникмалар ўзлаштирилишини, шунингдек таълимнинг кейинги тури танланишини ҳамда юқори малака талаб қилинмайдиган касблар эгалланишини таъминланиш вазифалари белгилаб бюерилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги 187-сонли “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарор мазмунида хам, таълим тизимидаги хар бир таълим берувчи хужжатнинг мазмун-мохиятини, мақсад вазифаларини, асосий принципларини билиши, хамда уни амалиётда қўллай олиш билим ва кўникмасига эга бўлиши керак. Амалиётда эса бу каби холат ўзининг салбий томонларинии кўрсатиши аниқ. Чунки ўқитувчи ўз меҳнат фаолиятига доир

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00508

норматив хужжатлар билан ишламас экан, унинг ижросини ўзи билганича ёки анъанавий эски услублар билан ўқитишни давом эттириши аниқ. Комплаенс айнан - хар қандай ички ва ташқи талабларга ёки нормаларга мувофиқ бўлишни таъминлайдиган жараёндир. Масалан, тиббиётда комплаенс шифокор ва бемор ўртасидаги мувофиқлик, ўзаро ишонч ҳисси орқали намоён бўлади. Бунда беморнинг шифокор айтганларига риоя қилиши, дориларни ўз вақтида истеъмол қилиши, пархез ёки овқатланиш рационига риоя қилиши, ёки беморнинг ички хис-туйғуларида дунё лаззатларидан воз кечиш холатини билдирмасликка харакат қилиши хам комплаенсни бир асосий факторларидан бири эканлигини тушуниш мумкин.

Тахлилимизча, ёш ўқитувчиларда хам шифокор ва бемор ўртасидаги комплаенсни (мувофиқликни) шакллантириш учун ўқитувчилик фаолиятида ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ педагогик ва психологик муаммоларни аниқлаш ва коррекция қилиш лозим. Гап шундаки, таълимда иккинчи даражали масаланинг ўзи йўқ –унда ҳамма нарса ва таркибий элементлар бирдай аҳамиятлидир. Шу маънода, таълим ўта таъсирчан жараён ҳисобланади. Бунда педагогик фаолият субъекти ҳисобланган педагог-ўқитувчидаги психологик ва педагогик сифатлар муҳим роль ўйнайди.

Таълим фаолиятини ҳар томонлама тадқиқ қилган рус олими Т.В.Габайнинг фикрича, агар ўқиш билан фақат ўқувчиларгина шуғулланишса, ўқитиш фаолиятини эса, зарур малака ва тайёргарликка эга бўлган ҳар қандай одам олиб бориши мумкин, дея таъкидлаган.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Аслида, ёш ўқитувчи ким ? Бу – шахс ўқув юртларида олий даргохни битириб, дастлабки 3-4 йил ишлаётганлар тоифасига киради олий таълим муассасаси хусусиятларини эътиборга олган ҳолда “ёш ўқитувчилар”ни қуйидаги тўртта тоифага ажратиш мумкин.

1. Олий таълим муассасасини битириб, педагогик фаолиятни бошлаганига 3-4 йил бўлган ходимлар;

2. Ёши катта, бироқ педагогик фаолиятни энди бошлаганлар;

3. Умумий ўрта таълим, касб-ҳунар коллежлари ва бошқа турдаги таълим муассасаларини эндигина битириб келган ходимлар. (Олий таълим муассасаларининг педагогик фаолияти бошқа таълим муассасаларидан фарқ қилади). Масалан, а) машғулот мазмунида – олий таълим муассасасида маърузага пухта тайёргарлик кўриш лозим, ўрта таълим муассасаларида эса

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00508

машғулотнинг бундай шакли йўқ; б) бу ерда илмий тадқиқот иши билан шуғулланиш керак бўлади (илмий тадқиқотчилик иши фан номзодлари, фан докторлари томонидан ўқитувчиларга тушадиган умумий иш юкламасининг 15-25 фоизини ташкил қилади), мактабларда эса мажбурий эмас;

4. Ёшидан қатъий назар ўз устида ишламайдиган ўқитувчилар.

Ёш ўқитувчиларнинг шахсий иш режалари бўлиб, улар ўз фаолиятларини мазкур режа асосида ташкил этадилар. Бундан ташқари фанлар бўйича метод бирлашмалар, методик уюшмалар ҳам мазкур ёш ўқитувчилар фаолиятини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Америкалик машхур тадбиркор, мухандис, милиордер - Илон Рив Маскнинг фикрича :“Хаётда муваффақиятга IQ даражаси юқори инсонлар эмас, балки харакат даражаси юқориларгина эришади”-деган фикрни баён қилган. Зеро, ўқитувчилар орасида ўзини-ўзи англаш мотиви хам унинг самарадорликка эришиш жараёнини кўрсатади. Ўқитувчиларни ўзини-ўзи ривожлантиришда, ўзига бахо бериш билан хам шаклланади. Уларнинг ўзини-ўзи бахолашида 2 хил ёндашув мавжуд: 1) ўзига юқори баҳо берувчилар, 2) ўзига, ўз имкониятларига паст бахо берадиган ўқитувчилар. Биринчи тоифадагилар “мен хамма нарсани биламан” деб ўйлайди, иккинчи тоифадагилар эса, аксинча ўзига ишонч ҳисси етишмайди. Буни биз мумий ўрта таълим мактабларида ёш ўқитувчилар педагогик фаолиятини кузатганимизда аниқланганмиз.

Ёш ўқитувчилар дарс ўтганида тайёрлаган ўқув материаллари тезда тугаб қолади ёки аксинча, уларни ўқувчиларга етказиб беришга улгурмайди, яъни вақти етмайди –уларга вақтни тўғри идрок эта олмаслик хусусяитлари кузатилган. Уларнинг ўқув ва методик адабиётлари устида ишлашлари ҳам ўзига хос бўлиб, кўпинча дарсга тайёрлик вақтида фақат дарсликдан ёки ўқув қўлланмасидан фойдаланган холда тайёрлашади. Бундан ташқари улар кўпинча ўқув материалларини баён қилишда ноизчиликка йўл қўядилар, яъни мантиқий изчиллик бузилади, бу эса мавзунинг ўқувчилар томонидан ўзлаштиришрилишида мураккабликларни вужудга келишига сабаб бўлади.

Яна бир камчилик, уларнинг нутқида монотонлик – бир хиллик холати, бу эса ўқувчиларни толиқтиради. Ёш ўқитувчилар фаолиятида қуйидаги зиддиятларни хам кузатиш мумкин: уларда бетартиблик ривожланган, дарс конспекти машғулот режаларини ўз вақтида ёзадилар, иш столи хам саранжом, ҳужжатлари жойида, бироқ ўз устида кам ишлайдилар. Бундан ташқари бу тоифа ўқитувчилар, рахбарлар, шунингдек, тажрибали ўқитувчилар

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00508

томонидан бериладиган танбеҳ ва танқидий фикрларни оғриниб қабул қиладилар. Масалан, бир ёш ўқитувчи “нега машғулот пайтида жуда тез гапирасиз?” деган саволимизга “чунки материал кўп, вақт етмайди!” деган жавобни олганмиз. Фанига оид ва фанидан ташқари мавзуга оид инновацион ва монографик асарларни кам мутолаа қилиш ёки мутлақо ўқимаслик ҳам дарс машғулотлари самарадорлигининг пасайишига олиб келади. Маълумки, инсон китоб ўқимай қўйса, ўқитувчилик хусусиятини ҳам йўқотади.

Ёш ўқитувчиларга хос бўлган яна бир хусусият шундан иборатки, улар бошқаларга тақлид қилишга ҳам мойил бўладилар. Бу қандайдир даражада фаолиятга ижобий таъсир этиши мумкин. Аммо педагогик фаолият ўзига хос бетакрор фаолият бўлганлиги учун ҳам, бировга тақлид қилиш билан услубиётни ўзлаштириб бўлмайди. Чунки услубиёт – бу жуда кўп объектив ва субъектив омилларнинг ўзаро бирлигидан иборат бўлиб, унда ўқитувчи-шахсининг индивидуал –психологик хусусиятлари ҳам муҳим роль ўйнайди. Шу ўринда услубиётнинг 50 фоизи билимлардан ва яна 50 фоизи тажрибадан иборат эканлиги тажрибалардан маълум.

Америкалик педагог П.Хёрстнинг фикрича инсоннинг ўз устида ишлаши қуйидагиларни қамраб олар экан: 1. Рационал мушохада юритиш. 2. Ижтимоий кўникма ва ролларни ўзлаштириш. 3. Билимларни эгаллаш. 4. Ўзидаги қобилиятларни ривожлантириш. Табийки, педагогларни тайёрлашда бу каби омлларни эътиборга олиш олий мақсад сари етаклайди.

Юксак интеллект эгаси булиш учун, ёш ўқитувчининг педагогик фаолияти, машғулотлардан кейинги таҳлил ҳам унинг ривожланишига катта туртки беради, бунда ирода ва онг бирлиги тамойили муҳим роль ўйнайди. Бу тамойил қуйидаги муҳим психологик жиҳатларга эга. Бизнингча, ҳар қандай фаолият сингари, педагогик фаолиятни ташкил қилувчи хатти-ҳаракатлар психологик жиҳатдан бир-бири билан ўзаро изчил боғлиқ ҳамда бешта асосий босқичлардан иборат: мақсад қўйиш, мақсадни амалга ошириш усулларини қўллаш ва олиб боручи йўлларни (табиийки, улар бир нечта бўлади) аниқлаш; маълум бир мулоҳаза ва мушохадалардан кейин мазкур йўллардан бирини танлаш; танланган йўл билан педагогик мақсадга эришиш ва ниҳоят, амалга оширилган хатти-ҳаракатларни қайта таҳлилдан ўтказиш. Бунда ҳамма босқичларнинг изчил амалга оширилишини таъминлаш қанчалик муҳим аҳамиятга эга бўлса, унинг якуний таҳлили ҳам шунчалик катта роль ўйнайди. Таҳлил қанчалик чуқур ва талабчанлик асосига қурилса, ёш ўқитувчилардаги педагог – мутахассис сифатидаги шаклланиш жараёни шунчалик тез юз

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00508

беради. Асосийси, бунда ёш ўқитувчиларнинг ўзлари учун тузган ҳар кунлик, хафталик ва ойлик шахсий иш режаларини ижроси таъминланади, хамда уларда комплаенс (мувофиқлик) касбига мослик даражаси кўтарилади. Асосий жихати, педагогик фаолиятни самарадорликка эришиш даражаси ёш ўқитувчининг ўқув жараёнини норматив хужжталар асосида, хамда режани тўғри ташкил эта олишига боғлиқдир. Тажрибалар шуник кўрсатадики, ўқитувчиларнинг бир кунлик педагогик фаолиятини таҳлил қилиш ва эртанги кунни режалаштириш нафақат педагогик, методик жиҳатдан ўзини идрок эта олиши, балки, келажакда хам ўзини ривожлантиришга бўлган стратегик режалар тузиш мотивацияси хам шаклланади.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, ёш ўқитувчи иш фаолиятини муваффақиятли натижалар билан ишласа, бундай шароит шахсда педагогик фаолиятдан роҳатланиш мотивацияси шаклланишига хам позитив муносабатни шакллантиради. Зеро, ўқитувчининг юксак педагогик билим ва тажрибаларга эга бўлишидан ташқари, маънавий-ахлоқий сифатларга, интеллектуал ривожланиш маданиятига эга бўлишни ҳам талаб қилади.

REFERENCES

1.Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни 2020 йил 23 сентябр.ЎРҚ-637.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сонли “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони.
3. Р.Ишмуҳамедов, М.Юлдашев. Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар (таълим тизими ходимлари, ўқитувчилар, тарбиячи ва мураббийлар, методистлар учун ўқув қўлланма)-Т.:2017.
3. 1.Козелецкий Ю.Психологическая теория принятия решений. М,1979.
4.Машков В.Н.Психология управления.-СПб.,2000.
5.Т.В.Габай. Учебная деятельность и ееё средства. МГУ.1988 г. 148 стр.
6.К.А.Шварцман. Философия и воспитание.-М.Политиздат.1999г.109 стр.